
"Яхшиям сиз борсиз, яхши одамлар"

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг "Ёшлар туризми ҳафталиги" доирасида тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги 130-сонли мажлис баёнига мувофиқ, 2023-йил 21-31 март кунлари ўтказиладиган "Маҳорат дарслари" режа-жадвали асосида бугун Бағдод туманидаги "Coworking" биносида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Бағдод тумани бўлинмаси ташаббуси билан, туман Ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида ташкилланган тадбирга истеъдодли шоир, бағдодлик ижодкор Баҳром Исмоил таклиф этилди.

"Яхшиям сиз борсиз, яхши одамлар" деб номланган ижодий учрашувда ўз ижодидан намуналар ўқиб берган шоир шеърият шайдоларини қизиқтирган бир қанча саволларга жавоб қайтарди.

Бўлинма раҳбари Исломжон Аҳмедов ва АКМ раҳбари Муаттархон Умарова ижодий кеча меҳмонига ташаккурнома ва эсдалик совғаларини топширишди,- дея хабар бермоқда Маънавият маърифат маркази туман бўлинмаси бош мутахассиси Олимжон Хатамов.

2023-03-16 18:16:00